

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ БИНОЛАРИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА АРХИТЕКТУРАВИЙ КОМПОЗИЦИОН  
ЕЧИМЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ.**

**Бектурдиев Иззат Мақсудович**

*ўқитувчи Урганч давлат университети*

**Аннатация:** Ушбу мақолада Ўзбекистондаги янги қурилган ва реконструксия қилинган Давлат хизматлари марказларининг архитектуравий тахлиллар қилинган.

**Калит сўзлар:** Хизматлар, архитектура, лойиҳалар, шаҳар, туман, хоналар таркиби.

**Аннатация:** В данной статье произведен архитектурный анализ вновь построенных и реконструируемых Центров обслуживания населения в Узбекистане.

**Ключевые слова:** Услуги, архитектура, проекты, город, район, состав помещений.

**Annotation:** In this article, the architectural analysis of the newly built and reconstructed Public Service Centers in Uzbekistan is made.

**Key words:** Services, architecture, projects, city, district, composition of rooms.


Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил декабрьоидаги жойларда давлат хизматлари агентлиги марказларини ташкил қилиш тўғрисидаги фармонларига асосан Республиkaning барча худудларида фуқаролар учун хизмат қилувчи марказлар ташкил қилинди. Ҳозирги кунда Республикамизнинг барча вилоят, шаҳар туман марказларида Давлат хизматлари агентлигимаркази биноси фуқаролар учун хизмат қилиб келмоқда. Бу марказларни фуқаролар учун хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириш мақсадида биноларнинг архитектуравий тузилиши ва унинг типолигик ечимлари бўйича лойиҳаларини мавжуд жойига бориб тадқиқотлар олиб борилди. Мақсад аҳоли учун замонавий қулай архитектуравий лойиҳага эга бўлган давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш. Ўрганишлар натижасига кўра Тошкент шаҳрида янги қурилган, вилоятлар кесимида Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Хоразм вилоятининг туман ва шаҳарларида янги қурилган Давлат хизматлари агентлиги марказий бинолари архитектураси билан танишдик.

Хоразм вилояти Урганч шаҳрида қурилган Давлат хизматлари агентлиги маркази биноси архитектураси билан жойида танишиб чикдик. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда қўйидаги хоналар жойлашган: бинога асосий кириш қисмида хар иккала томонда қоровулхона, ундан сўнг чап ва ўнг томонда гардироб, кейин вестибюл орқали асосий жамоат залига ўтилади. Залнинг хар иккала томонида бўлимлар жойлаштирилган. Вестибюлдан киришда ўнг томонда касса, бўлим бошлиғи ёрдамчмси ва бўлим бошлиғи хоналари жойлаштирилган. Биринчи қават залида бешта бўлим жойлаштирилган. Кўшимча хоналардан она ва бола хонаси, хужжатлар сақлаш учун маҳсус хоналар, санузеллар ва биринчи қават бурчагида кичик бар жойлашган.

Асосий кириш қисмининг тўғрисида фуқаролар доимий фойдаланадиган иккинчи қаватга чиқиш учун зинапоя, қўшимча эвакуация зиналари бинонинг ҳар иккала бурчагида лойиҳаланган. Бинога уч томонлама кириш чиқиши эшиклари жойлаштирилган. Иккинчи қаватда хам бешта бўлим жойлашган. Бинонинг иккинчи учинчи қаватлари марказлари очиқ галерея типида лойиҳаланган. Учинчи қаватда зинапоя қисмининг ўнг томонда ошхона, овқатланиш зали ва чап томонда мажлислар зали, директор хонаси, бухгалтерия, компьютерлар назорати бошлиғи хоналари жойлашган(1,2,3,4- расмлар).




*1-расм. Хоразм вилояти Урганч шаҳар марказида жойлашган Давлат хизматлари агентлиги маркази биносининг тарз лойиҳаси*




*2-расм. Хоразм вилояти Урганч шаҳар марказида жойлашган Давлат хизматлари агентлигимаркази биносининг биринчи қават тарз лойиҳаси*

**Finland, Helsinki international scientific online conference  
"SUSTAINABILITY OF EDUCATION SOCIO-ECONOMIC SCIENCE THEORY"**




3-расм. Хоразм вилояти Урганч шаҳар марказида жойлашган Давлат хизматлари агентлигимаркази биносининг иккинчи қават тарх.




4-расм. Хоразм вилояти Урганч шаҳар марказида жойлашган Давлат хизматлари агентлигимаркази биносининг учунчи қават тархи.

Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Давлат хизматлари агентлиги маркази асосан тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, биринчи қаватида қуйидаги хоналар мавжуд. Кираверишда тамбур кейин умумий хизмат кўрсатиш зали, архивлар, фуқаролик паспортини олиш хонаси, она ва бола хонаси, бўлим бошлиғи хонаси, санузел мавжуд. Иккинчи қаватига бинонинг икки томондан чиқилади. Иккинчи


қаватда архивлар, адвакат, суғурта ва бир қанча хизмат кўрсатиш бўйимлари ва бўйим бошлиқлари хонаси мавжуд(5,6,7-расмлар).



**5-расм. Хоразм вилояти Хонқа тумани Давлат хизматлари агентлигимаркази биносининг олд қўриниши**




**6-расм. Хоразм вилояти Хонқа тумани Давлат хизматлари агентлиги маркази биносининг биринчи қават тархи**



**7-расм. Хоразм вилояти Хонқа тумани Давлат хизматлари агентлиги маркази биносининг иккинчи қават тархи**

Хоразм вилояти Хива шаҳридаги янги қурилган Давлат хизматлари марказининг тархий ечими худди Хонқа туманидаги бино билин бир хил бўлиб, тарз қисми ўзгарган (8-расм).



*8-расм . Хива шаҳри Давлат хизматлари агентлиги маркази биносининг олд тарз кўринини*

Хоразм вилоятларида барча туманларнинг Давлат хизматлари агентлиги марказининг тарх қисми бир хил бўлиб, тарз безак қисмida турлича услублардан фойдаланилган.


Хулоса қиласиган бўлсак, Хоразм вилоятининг туманларида қурилаётган марказлар лойиҳалари бир хил эканлиги туманлардаги аҳоли сонига қараб лойиҳаланмаганлиги салбий камчиликларидан бири ҳисобланади. Бу эса давлат бюджетига хам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Афзалликларига келадиган бўлсак, Урганч шаҳрида янги қурилган Давлат хизматлари агентлиги маркази биноси замонавий, ишчи ходимлар учун қулай қилиб лойиҳалангандиги, бу ерга ташриф буюрувчи фуқароларнинг оғирини енгил қиласидан десак адашмаган бўламиз.

Республика пойтахти Тошкент шаҳридаги Давлат хизматлари агентлиги марказларини тадқиқотлар давомида тарх, тарз, бош тарх қисмларини ўрганиб чиқилганини фотоловҳалар ва таҳлиллар давомида кўриб ўтишимиз мумкин.

Биринчи навбатда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида янги қурилиб фойдаланишга топширилган Давлат хизматлари агентлиги маркази биноси билан яқиндан танишиб ўрганилди. Ўрганишлар жараёнида Чилонзор тумани давлат хизматлари маркази хам Хоразм вилояти Урганч шаҳрида қурилган давлат хизматларининг агентлиги биноси тарх лойиҳасидаги хоналар таркиблари ва лойиҳаланиши ўхшашлиги аниқланди (9-расм).



9-расм. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат хизматлари агентлиги маркази биносининг умумий кўрининиши



10-расм. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат хизматлари агентлиги маркази биносининг интеръер қисми

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги давлат хизматлари агентлиги маркази намунавий лойиҳа сифатида қурилганлигини давлат хизматлари агентлиги статистик маълумотларда кўришимиз мумкин. Бинонинг афзалликларини айтиб ўтадиган бўлсак, бино замонавий лойиҳаланганлиги, бу бинода болалар ўйнаш бурчаги ва фуқаролар учун кафе бар жойлашганлиги Республика издаги бошқа агентликлардан фарқини бинога киргандан сезишмиз мумкин. Камчиликларига тўхталадиган бўлсак, бино ичидаги ошхона, она ва бола хонаси йўқлиги, умумий залда эса барча хизмат турлари аралаш тарзда жойлашганлиги фуқаролар ва ишчи ходимлар ўртасида тушунмовчиликлар келтириб чиқариши бинонинг салбий камчиликларидан бири десак янгишмаган бўламиз. Бу ҳолатни бинонинг ички интеръерида хам кўришимиз мумкин (10-расм).

Хулоса

Марказлар орқали тақдим этилаётган хизматлар турларининг ортиши натижасида жамиятимиздаги ижтимоий турмуш тарзимизда қилиниши лозим бўлган ишларнинг

хужжатлаштириш борасида ишлар кўлами йиғилиб қолганлиги ва ушбу ишларни Давлат хизматлари агентлиги биносида ижобий хал қилиш бўйича давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳар бир туман ва шаҳарлар миқёсида бинолар қуриш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Ушбу дастурни амалга оширишда давлатимизда Давлат хизматлари агентлиги бинолари қурилиши ва улардаги камчиликлар таҳлил қилинди. Хорижий тажриба ўрганилиб, Ўзбекистонда қурилаётган бинолар билан қиёслаб қўрилиб хорижий тажрибадан келиб чиқиб улардаги керакли хоналардан баъзи бирлари йўқлиги аниқланди. Ва айнан шу керакли хоналар Ўзбекистонда қурилаётган давлат хизматлари агентлиги марказлари биноларига киритилиши кераклиги маълум бўлди.